

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АРИПХОДЖАЕВА ФАЗИЛАТХОН ЗАЙНИТДИНОВНА**

**МЕТАБОЛИК СИНДРОМДА ЖИГАРНИНГ АЛКОГОЛСИЗ ЁҒЛИК  
КАСАЛЛИГИНИ ДАВОСИНИ КЛИНИК-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ  
АСОСЛАШ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Арипходжаева Фазилатхон Зайнитдиновна**

Метаболик синдромда жигарнинг алкохолсиз ёғлик касаллигини давосини клиник-экспериментал асослаш..... 3

**Арипходжаева Фазилатхон Зайнитдиновна**

Клинико-экспериментальное обоснование терапии неалкогольной жировой болезни печени при метаболическом синдроме..... 23

**Aripkhodjayeva Fazilatkhon Zaynitdinovna**

Clinical and experimental substantiation of therapy for non-alcoholic fatty liver disease in metabolic syndrome..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 44

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АРИПХОДЖАЕВА ФАЗИЛАТХОН ЗАЙНИТДИНОВНА**

**МЕТАБОЛИК СИНДРОМДА ЖИГАРНИНГ АЛКОГОЛСИЗ ЁҒЛИК  
КАСАЛЛИГИНИ ДАВОСИНИ КЛИНИК-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ  
АСОСЛАШ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib853 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Каюмов Улугбек Каримович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Каримов Мирвосит Мирвосиқович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Хамрабаева Феруза Ибрагимовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарканд Давлат тиббиёт институти**

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «14» 2021/09/07/14 соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru).)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказиди танишиш мумкин (14 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Форобий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «14» 08 да тарқатилди.  
(2021 йил «14» 08 даги 4 рақамли реєстр баённомаси)



*[Handwritten signatures in blue ink over the stamp]*

**А.Г. Гиласв**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**А.Л. Алияв**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Ҳозирги вақтда дунёнинг кўплаб мамлакатларида метаболик синдром (МС) хасталигининг тез ўсиш суръатлари кузатилмоқда ва унинг тарқалиш кўлами турли мамлакатларда 20,6 дан 60% ни ташкил этади. Жигар алкохолсиз ёғ касаллиги (ЖАЁК), қандли диабет 2 тури ва семизлик бўлган беморларга нисбатан метаболик синдромли беморларда кўпроқ учраши қайд этилган. EASL-EASD-EASO маълумотларига кўра, «...ЖАЁК вирусли гепатит С ва алкохолли жигар касалликларидан тарқалиш кўлами жихатидан олдинда туради ва умумий жигар хасталиклари таркибида биринчи ўринни эгаллайди...»<sup>1</sup>. Айни пайтда ЖАЁК нинг этиологияси ва касалликнинг патогенетик ривожланиш механизмлари тўғрисида аниқ тушунча йуқлиги сабаб касалликни даволаш ва олдини олиш масалалари тиббиётдаги ечими топилиши зарур бўлган муаммо ҳисобланади.

Дунёда ЖАЁК ривожланишининг патогенетик омилларини ўрганиш ва МС билан ҳамоханг тарзда ЖАЁКни даволашнинг патогенетик асосланган усулларини ишлаб чиқишга қаратилган кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу изланишлар касалликни даволаш усулларини такомиллаштириш ва даволаш самарадорлигига ижобий таъсир қилган ҳолда стеатоцирроз ривожланишини олдини олишдан иборат. МСда ЖАЁКни эрта аниқлаш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда стеатогепатит давосининг экспериментал ва патогенетик асосланган усулларини ишлаб чиқиш ва стеатоцирроз ривожланиши ва МС нинг эрта ва кеч асоратларини олдини олиш чораларни белгилаш зарурлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида жигар касалликларни тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида метаболик синдромда ЖАЁК ташхисоти ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш, эрта ва кеч асоратларни олдини олиш, шунингдек, замонавий тиббий хизмат кўрсатишни янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалликлар асоратлари

<sup>1</sup> EASL-EASD-EASO Clinical Practice Guidelines for the management of non-alcoholic fatty liver disease. J Hepatol 2016; 64 (6): 1388–402.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

натижасидаги юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармокология» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кенг тарқалиб бораётган метаболик синдром ва у билан боғлиқ бўлган асоратлар кўлами турли ихтисосликдаги шифокорларнинг диққат эътиборини жалб этмоқда. 22 мамлакат вакиллари иштирокидаги Халқаро экспертларнинг консенсус баёнотига биноан жигарнинг алкохолсиз ёғ касаллиги (ЖАЁК) метаболик синдромнинг меъзони сифатида қабул этилди (Käräjämäki A.J. et al., 2017; Kim D. Et al., 2018; Mohammed E. 2020). Метаболик синдромнинг ЖАЁК билан бирга хасталанган беморларда юрак қон-томир касалликлари асоратларидан ўлим ҳолатларининг бир неча бор юқори эканлиги кўзланган мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Бу соҳадаги ўтказилган йирик тадқиқотларда жигарнинг алкохолсиз ёғ касаллиги барча турдаги жигар касалликлари ичида биринчи ўринда туриши қайд этилган (Younossi Z.M. et al., 2016; Драпкина О.М. и др., 2019; Wong S.W. et al., 2020). Жигар метаболик синдром ривожланиши учун асосий нишон аъзолардан бири бўлиб, аввало жигар алкохолсиз ёғ стеатози шаклланади. Бу эса аста-секин алкохолсиз стеатогепатит ва алкохолсиз жигар циррози шаклланишига олиб келади (Manu V.C. et al., 2020). Айрим тадқиқотларда (Jaffer R.S., 2019) жигарнинг алкохолсиз ёғ касаллигининг кечиши нисбатан барқарор эканлиги, бошқа тадқиқотларда эса 16-20% алкохолсиз стеатогепатит беморларида цирроз, айримларида гепатоцелюлар карцинома ривожланганлиги маълум қилинган (Viganò L. Et al., 2018).

Бугунги кунда жигар алкохолсиз ёғ касаллигининг замонавий патогенетик даволаш усуллари асосан инсулинрезистентлик, дислипидемия, оксидатив стресс ҳолатини бартараф қилишга йўналтирилган. Метаболик синдром ва жигарнинг алкохолсиз ёғ касаллиги ривожланишида инсулинрезистентлик ҳолатини етакчи ахамиятини (Freeman A.M. et al., 2020) ҳисобга олган ҳолда асосий патогенетик даво сифатида инсулиносенситайзер воситалар таклиф қилинган (Драпкина

О.М. и др., 2019). Бу соҳадаги айрим тадқиқотларда (Tacelli M. et al., 2018) жигарнинг алкоғолсиз ёғ касаллигида инсулиносенситайзер гуруҳига мансуб метформин дори воситасини қўллаш трансминазалар фаоллиги динамикасига ижобий таъсир қилиши кўрсатилган. Шу билан бирга бошқа тадқиқотларда бу тоифадаги беморларда метформин терапиясининг узок муддатларда қўлланилиши жигардаги яллиғланиш ва фибротик ўзгаришларга маълум даражада салбий таъсири кўрсатилган (Ивашкин В.Т. и др., 2016). Бу эса МСнинг ЖАЁК билан кечиш ҳолатлари прогностик жиҳатдан ахамиятли эканлигини ва унинг профилактик даво чораларини тадбиқ этиш зарурияти борлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда ЖАЁКни ўрганиш бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилган (Далимова Д.А ва бошқалар, 2013; Каримов М.М. ва бошқалар, 2013, 2015; Рустамова С.Т. ва бошқалар, 2013; Хамрабаева Ф.И. ва бошқалар, 2013, 2015). Ушбу тадқиқотлар ЖАЁК нинг генетик омиллар, сурункали панкреатит, йўғон ичак микрофлораси ҳолати, 2 -тоифа диабет ва метаболик синдром билан боғлиқлиги кўрсатилган. ЖАЁК бир қатор метаболик касалликлар билан ҳамбарчас боғлиқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда замонавий даволаш усуллари барча патологик жараёнларни қамраб олиш зарурияти асосий масалалардан бири ҳисобланади. Айни пайтда ЖАЁК даволаш усуллариининг экспериментал тасдиқланган асослари ишлаб чиқилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 «Метаболик синдром ва юзага келган асоратларининг замонавий ташхисоти ва даволаш самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўллариини ишлаб чиқиш» (2014-2020 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** алкоғолсиз стеатогепатитни даволашнинг экспериментал ва патогенетик асосланган усуллариини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

лаборатория ҳайвонларида (каламушларда) алкоғолсиз стеатогепатитни экспериментал моделини шакллантириш;

яратилган экспериментал стеатогепатит моделида инсулиносенситайзер гуруҳига мансуб метформин ҳамда гиполипидемик восита Розувастатин воситасини монотерапия ва гепатопротектор Джетепар билан биргаликда қўлланилгандаги жигар морфоструктурасини баҳолаш;

ЖАЁК билан оғриган беморларда инсулиносенситайзер гуруҳига мансуб метформин ва гиполипидемик восита Розувастатин воситасини монотерапия ҳолида ҳолида гепатопротектор Джетепар билан биргаликда қўлланилгандаги жигар функционал кўрсаткичлари, ёғ алмашинуви ва гликемик профил кўрсаткичларини динамикада баҳолаш;

ЖАЁК билан оғриган беморларда режалаштирилган терапия давомида прооксидант ва антиоксидант тизим кўрсаткичларининг динамикасини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2018-2020 йилларда “Surunkali somatik kasalliklar reabilitatsiya maskani” клиникаси гастроэнтерология бўлимида ва консултатив поликлиникасига мурожаат этган МС негизида ЖАЁК билан касалланган 142 нафар беморлар, шунингдек Тошкент тиббиёт академияси марказий виварийда экспериментал текширувлар учун 72 бош тажриба ҳайвонлари (каламуслар) олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида беморларнинг қон зардоби, экспериментал ҳайвонларнинг (каламусларнинг) жигар тўқимаси олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий тадқиқотни бажариш давомида умумклиник, биокимёвий, иммунологик (ИЛ-6, ФНО- $\alpha$ ), гистологик, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

илк бор лаборатория ҳайвонларида жигар алкоғолсиз стеатогепатитни экспериментал моделини шакллантириш жараёнида жигар тўқимасидаги стеатоз ва фиброз жараёнларининг босқичли эволюция ўзгаришлари баҳоланган;

яратилган экспериментал стеатогепатит моделида инсулиносенситайзер ва гиполипидемик дори воситаларини монотерапия шароитида қўлланилганда жигар морфоструктурасининг динамик ўзгаришлари асосида гепатопротектор воситасининг қўлланилиши зарурияти асосланган;

жигар алкоғолсиз ёғ касаллиги (ЖАЁК) билан оғриган беморларда жигар функционал кўрсаткичлари, ёғ алмашинуви ва гликемик профил кўрсаткичларининг динамикасини баҳолаш асосида гепатопротектор воситасининг комплекс патогенетик даво шароитида қўлланилиши асосланган;

ЖАЁК билан оғриган беморларда прооксидант тизим кўрсаткичлари ўсма некрози омили- $\alpha$ , интерлейкин-6, антиоксидант тизим кўрсаткичи динамикаси асосида антиоксидант ва гепатопротектор воситасининг қўлланилиш зарурияти исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

МС негизида ривожланган ЖАЁК билан оғриган беморларда жигар функционал кўрсаткичлари, ёғ алмашинуви ва гликемик профил кўрсаткичларининг динамикаси таққосланган ва олинган натижалар баҳоланган;

ЖАЁК билан оғриган беморларда МС давосида қўлланиладиган инсулиносенситайзер Метформин ва гиполипидемик Розувастатин дори воситаларини узоқ вақт қўллаш жигар функционал кўрсаткичлари, ёғ алмашинуви ва гликемик профил кўрсаткичларининг динамикасида салбий ўзгаришлар олиб келиши исботланган;

ЖАЁК билан оғриган беморларда МС давосида қўлланиладиган инсулиносенситайзер Метформин ва гиполипидемик Розувастатин дори воситаларини узоқ вақт қўллаш учун комплекс патогенетик даво сифатида



гепатопротектор Джетепар воситасининг киритилиши шартлиги асосланган;

МС негизида ривожланган ЖАЁК билан оғриган беморларга комплекс патогенетик даво сифатида гепатопротектор Джетепар препаратини қўллаш жигар функционал ҳолати, инсулинрезистентлик ва дислипидемия ҳолатига ижобий таъсир қилганлиги кўрсатилган, бу эса ўз навбатида Метформин ва Розувастатин дори воситаларининг самарадорлигининг ошишига олиб келиши кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган замонавий усул ва ёндашувлар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, барча рақамли маълумотларга замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лаборатория ҳайвонларида жигар алкогольсиз стеатогепатитни экспериментал моделини шакллантириш жараёнида жигар тўқимасидаги стеатоз ва фиброз жараёнларининг босқичли эволюция ўзгаришлари, инсулиносенситайзер ва гипополипидемик дори воситаларини қўлланилганда жигар морфоструктурасининг динамик ўзгаришлари асосида гепатопротектор қўлланилиш самарадорлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти МС негизида ривожланган ЖАЁК билан оғриган беморларга комплекс патогенетик даво сифатида гепатопротектор Джетепар препаратини қўллаш жигар функционал ҳолати, инсулинрезистентлик ва дислипидемия ҳолатига ижобий таъсир қилганлиги, ҳамда Метформин ва Розувастатин дори воситаларининг узоқ муддат қўллашга шароит яратилиши ва бу дори воситаларининг самарадорлигининг ошишига олиб келиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Метаболик синдромда жигар алкогольсиз ёғ касаллигини даволашнинг клиник ва экспериментал асосланган усуллари аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

метаболик синдромда жигар алкогольсиз ёғ касаллигининг патогенетик давосини такомиллаштириш усули бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Метаболик синдромда жигар алкогольсиз ёғ касаллигининг патогенетик давосини такомиллаштириш усули» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 январдаги 8н-д/28-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома даволаш тадбирлари самарадорлигини баҳолаш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, эрта ногиронликнинг олдини олиш имконини берган;

метаболик синдромда жигар алкогольсиз ёғ касаллигининг патогенетик давосини такомиллаштириш усули бўйича олинган натижалар соғлиқни

сақлаш амалиётига, жумладан, Жиззах вилояти Бахмал туман тиббиёт бирлашмасига, Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 15 – сонли оилавий поликлиникаси клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 16 июлдаги 08н-09/8369-сонли маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши метаболик синдромда алкогольсиз жигар ёғ касаллигини даволаш самарадорлигини ошириб, уларнинг ҳаёт сифатини яхшиланишига, эрта ногиронликнинг олдини олинишига, ҳамда шифохонада даволаниш такрорийлиги ва муддатини қисқартиришга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда муҳокама қилинган, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотларнинг фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги шакллантирилган. Ўзбекистон Республикаси доирасида илмий янгилик ва амалий тадқиқот натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти амалий тиббиётда тадқиқот натижаларининг амалга оширилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «МС негизида **ЖАЁК** патогенези ва клиникасининг айрим жihatлари, замонавий даволаш усуллари **нинг қиёсий таҳлили**» номли биринчи бобида МСда ЖАЁКнинг энг муҳим патогенетик омиллари ва патогенетик хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар тизимлаштирилган. Мавжуд тадқиқот ва даволаш усуллари **нинг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган.** Олиб борилган таҳлил натижалари ишнинг долзарблигини, мақсади ва вазифаларини асослаб берган.

Диссертациянинг «**Олинган клиник материал ва асосий тадқиқот усуллари **нинг умумий тавсифи****» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот усуллари, клиник материалнинг умумий хусусиятлари, лаборатория-

функционал, иммунологик ва статистик тадқиқотлар усуллари тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

Мазкур тадқиқот 2018 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда «Surunkali somatik kasalliklar rehabilitatsiya maskani» МЧЖда ўтказилган. 19 дан 77 ёшгача бўлган 142 нафар консултатив поликлиника шароитида даволанаётган беморлар асосий гуруҳни ташкил этди, ҳамда 20 нафар соғлом кишилар назорат гуруҳ сифатида кўриб чиқилди. Асосий гуруҳдаги 142 нафар беморнинг 95 нафари эркак (54%) ва 80 нафарини аёллар (46%) ташкил этди. МС диагностикаси учун Халқаро Диабет Федерацияси (IDF) 2005 эксперт комиссияларининг тавсиялари ишлатилган.

Тадқиқот гуруҳидаги беморлар тасодифий танлаб олиш усули ёрдамида сараланган, ҳамда оилавий анамнез, ирсий хусусиятлари, чекиш ва спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ҳолати, вирусли гепатит бўйича эпидемиологик анамнез, жисмоний фаоллик даражаси, овқатланиш қоидаси, психологик ва диабетик ҳолати, гипертония касаллиги ва бошқа ёндош касалликлари ҳақидаги маълумотлар инобатга олинган. Тадқиқотдан четлатиш мезонлари қуйидагилар: биринчи ва иккинчи турдаги қандли диабетнинг мавжудлиги, ҳамда кўп йиллар давомида қондаги қанд миқдорини меъёрлаштирувчи дори воситаларидан фойдаланиш, сурункали вирусли гепатит В, С ва Delta мавжудлиги; глюкокортикоид гормонал воситаларни қўллаш фонида аутоиммун гепатит билан оғриган беморлар; қалқонсимон без касалликлари билан оғриган беморлар; ҳомиладор аёллар, юрак етишмовчилиги ҳамда, миокард инфаркти ўтказган беморлар.

Барча беморларга антропометрик тадқиқотлар ўтказилди: тана вазни индекси (ТВИ) (Кетле индекси) ТВ нинг (кг) бўй узунлигига ( $m^2$ ) бўлган нисбати махсус формула ( $ТВИ = \frac{ТВ}{бу^2}$ , бу ерда ТВ - одамнинг тана вазни (кг), бу – бўй узунлиги (м)); ЖССТ тавсияларига биноан бел айланаси пастки когурға равоғи ва тос суягининг сакрал қисми ўртасини 0,1 см ўлчов аниқлиги билан ўлчанди. АБ тинч ҳолатда, 5-10 мин оралиғида, уч марта аниқланди ва ўртача кўрсаткичи қабул қилинди. Барча беморларга электрокардиограмма (ЭКГ) 12 та стандарт тармоқдатинч ҳолатда ўтказилди. ЮИК анамнез, физик-инструментал текширув ва ЭКГ даги ўзгаришлар (стенокардияга хос) асосида аниқланди.

Липид ва углевод алмашинуви кўрсаткичларини ўрганиш учун лаборатория ишлари олиб борилди. Умумий холестерин (УХ), юқори зичликдаги липопротеин (ЮЗЛ), паст зичликдаги липопротеин (ПЗЛ), триглицерид (ТГ), қондаги қанд миқдори, гамма глутамин транспептидаза (ГГТ), аланин аминотрансфераза (АЛТ), аспартат аминотрансфераза (АСТ), умумий билирубин миқдорини аниқлаш ферментатив колориметрик усул асосида реактив тўпламлари ёрдамида, автоанализаторда (Mindray) амалга оширилди. ИР баҳолаш махсус НОМА-индекс ёрдамида қуйидаги формула бўйича баҳоланди:  $НОМА\text{-индекс} = \frac{\text{наҳорги қанд миқдори (ммоль/л)} \times \text{наҳорги инсулин миқдори (мкЕд/мл)}}{22.5}$ .

Интерлейкин-6, ўсма некрози омили- $\alpha$  цитокинларининг миқдори «Протеиновый контур» (С.-Петербург, РФ) тест-тўпламлари ёрдамида қаттиқ фазали сендвич методига асосланган ИФА усули ёрдамида аниқланди.

EASL-EASD-EASO (A1) тавсияларига кўра, жигардаги стеатоз даражасини баҳолаш ультратовуш текшируви (Mindray) ёрдамида аниқланди.

Ультратовуш текширувлари частотаси 3,5 МГц бўлган С5-2 конвекс зондли датчикда ўтказилди.

Экспериментал тадқиқотлар ТМА вивариумида олиб борилди. Жигар ёғли гепатозини экспериментал моделини яратиш учун жинсий етук, ўртача вазни  $170,4 \pm 2,4$  г бўлган каламушлар олинди. Стеатогепатитни моделлаштириш Караман Ю.К. (2012) усулида амалга оширилди. Ушбу усул бўйича ҳайвонлар 90 кун давомида (3 ой) ҳайвон ёғлари билан тўйинган махсус юқори калорияли гепатоген диетада сақланади.

Ҳайвонлар ҳар куни текширилиб, озуқа миқдори ҳисобга олинди. Ҳайвонлар Европанинг экспериментал ҳайвонларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги 86/609 ЕЕС конвенцияси талабларига мувофиқ эфир наркози ёрдамида декапитация йўли билан сўйилган. Экспериментал ҳайвонлар жигар тўқималарини гистологик тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика патологоанатомик марказида ўтказилди.

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотларнинг статистик таҳлили ўтказилди. Тадқиқот натижалари Statistica 6.0 Microsoft программаси ёрдамида, Стъюдентни *t*-критерияси қўллаган ҳолда таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг «**Экспериментал тадқиқотда жигарнинг морфологик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида патогенетик терапиянинг турли усулларини қўллаган ҳолатда жигарнинг экспериментал ёғли гепатозининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар батафсил баён этилган.

Жигар ёғли гепатозини экспериментал моделини яратиш учун жинсий етук, ўртача вазни  $170,4 \pm 2,4$  г бўлган каламушлар олинган. Стеатогепатитни моделлаштириш Караман Ю.К. (2012) усулида амалга оширилди. Ушбу усул бўйича ҳайвонлар 90 кун давомида (3 ой) ҳайвон ёғлари билан тўйинган махсус юқори калорияли гепатоген диетада сақланади.

Тадқиқот учун қуйидаги гуруҳ ҳайвонлар ажратилди:

1-гуруҳ. Оддий виварий рациониди сақланаётган интакт каламушлар (6 бош)

2-гуруҳ. 90 кун давомида ҳайвон ёғлари билан тўйинган махсус юқори калорияли гепатоген диетада сақланган каламушлар (16 бош)

Экспериментал гуруҳ - 90 кун давомида ҳайвон ёғлари билан тўйинган махсус юқори калорияли гепатоген диетада сақланган 60 бош каламушлар, 5 гуруҳга бўлинган шаклда:

3-гуруҳ. Розувастатин препаратини монотерапия шаклида 1 ой қабул қилган каламушлар (12 бош).

4-гуруҳ. Метформин препаратини монотерапия шаклида 1 ой қабул қилган каламушлар (12 бош).

5-гурух. Джетепар препаратини монотерапия шаклида 1 ой қабул қилган каламушлар (12 бош).

6-гурух. Розувастатин + Джетепар препаратларини комбинацияда 1 ой қабул қилган каламушлар (12 бош).

7-гурух. Метформин + Джетепар препаратларини комбинацияда 1 ой қабул қилган каламушлар (12 бош).

Ҳайвонларда стеатогепатит модели ривожланганлигини Романовский усулида гематоксилин-эозин ва Ван-Гизон бўйича микрофуксин билан бўялган жигар тўқималарининг гистологик кесимлари далил бўлди.

Экспериментнинг 90-кунда каламуш жигар тўқималарида яллиғланиш, ёғ инфильтрацияси ўчоқлари пайдо бўлган, кўпгина перипортал зоналарда лимфоцит ва плазма ҳужайраларининг тўпланиши қайд этилган. Ушбу гистологик ҳолат минимал фаолликдаги сурункали гепатит учун хосдир. Айти пайтда тўқима некрози ва жигар фиброзига хос гистологик ҳолат қайд этилди.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида стеатогепатитнинг экспериментал моделини олишга муваффақ бўлинди. Бунда ҳайвонларнинг тана вазни ортиши, тузилишининг ўзгариши, тўқима некрози ва жигарда фиброз шаклланиши кузатилди. Шунингдек, яратилган стеатогепатит модели жигарда ёғ касаллиги ривожланишининг босқичини ўрганишга имкон беради. Бу 3 босқичда - стеатоз, стеатогепатит ва фиброз шаклланиши билан тавсифланади.

Кейинги босқичда экспериментал гуруҳ ҳайвонларида яратилган стеатогепатит модели асосида ЖАЁКга патогенетик таъсир кўрсатадиган воситаларни қўллаш амалга оширилди. Ҳар бир гуруҳда дори воситалари бир ой давомида ишлатилди. Ҳайвонларни сўйиш ва жигарни гистоморфологик текширувларидори воситаларни қўллашнинг 15 ва 30 кунларида амалга оширилди.

Экспериментал ҳайвонларда Метформин дори воситасибилан монотерапия ўтказиш жигар тўқималарида ёғли гепатознинг регрессиясига олиб келди, унинг негизида оксил дистрофияси белгилари ривожланди. Экспериментал ҳайвонларда Розувастатин дори воситасибилан монотерапия ёғдегенерацияси регрессияси билан намоён бўлди. Айти пайтда гепатоцитларнинг балон дистрофиясининг стромал дегенерацияси қайд этилди. Экспериментал ҳайвонларда Метформин ва Джетепар, Розувастатин ва Джетепар билан биргаликдаги давоси ёғли дегенерация кўрсаткичларининг регрессиясига ва гепатоцитларнинг нормал морфофункционал ҳолатининг сақланишига ёрдам берди.

Диссертациянинг «МС негизида ЖАЁК беморларининг клиник, биокимёвий ва иммунологик текширув натижалари» деб номланган тўртинчи бобида ЖАЁК билан оғриган беморларда биокимёвий кўрсаткичлар, қон зардобининг антиоксидант қобиляти, ФНО- $\alpha$  ва ИЛ-6 цитокинлари миқдорипатогенетик давонинг турли усулларини қўллаган ҳолда ўрганилди.

Тадқиқотлар барча текширувдаги беморлар гуруҳида тана вазни индексининг юқори эканлигини кўрсатди, эркакларда  $30,7 \pm 0,73$  кг/м<sup>2</sup>, аёлларда  $32,3 \pm 0,50$  кг/м<sup>2</sup> ни ташкил этди. Гипертония касаллиги 34 (24%) нафар эркак ва 60 (42%) нафар аёлда аниқланди. ЮИК ташхиси 42 (30%) нафар эркак ва 79 (56%) нафар аёлга қўйилган. Қандли диабет 2 тури 31 (23%) нафар эркак ва 70 (49%) нафар аёлда қайд этилди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Текширилган беморларнинг умумий тавсифи

Кўрсаткичлар	ЖАЁК
Тана вазни индекси: эркакларда, кг/м <sup>2</sup>	30,7±0,73
аёлларда, кг/м <sup>2</sup>	32,3±0,50
Гипертония касаллиги I-II ст.:	
эркакларда	34 (24%)
аёлларда	60 (42%)
ЮИК: эркакларда	42 (30%)
аёлларда	79 (56%)
Қандли диабет 2тип: эркакларда	31 (22%)
аёлларда	70 (49%)

ЖАЁК билан оғриган беморларнинг клиник хусусиятлари ўрганиш жараёнида 128 (90%) нафар беморларда жисмоний машқлар пайтида умумий заифлик ва чарчок, 66 (46%) нафарда ўнг қовурға остида оғрик, 94 (66%) нафарда овқатдан сўнг диспептик синдромкузатилди. Ультратовуш маълумотларига кўра гепатомегалия 87 (62%) нафар беморда аниқланган. Жигарнинг ёғли дегенерацияси ("ёрқин жигар" белгиси) барча беморларда аниқланган.

ЖАЁК билан оғриган беморлар гуруҳида жигар функционал кўрсаткичлари динамикасини, углевод ва липид метаболизмининг асосий кўрсаткичлари қиёсий таҳлилиўтказилди. Шунини таъкидлаш керакки, даволанишдан олдинги даврдаги таққосланаётган беморлар гуруҳларининг кўрсаткичлари сезиларли даражада фарқ қилмади ( $p > 0,05$ ). Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ЖАЁК беморларининг таққосланган гуруҳида - умумий билирубин, АЛТ, АСТ, қон зардобидидаги умумий оқсил ва альбумин миқдори ( $p < 0,05$ ) соғлом одамлар курсаткичларидан фарқ қилди. Мезенхимал-яллиғланиш жараёнининг кўрсаткичи - С реактив оқсил, липид кўрсаткичлари УХ, ТГ, ЮЗЛ, ПЗЛ, АК, Апо-А1, Апо-В, гликемик профил кўрсаткичлари - нахорги глюкоза, инсулин миқдори, НОМА-индекс ҳам таққосланган гуруҳда соғлом одамларнинг кўрсаткичларидан ишонарли ( $p < 0,05$ ) фарқ қилди.

Лаборатория тадқиқотлари натижалари метформин дори воситаси билан монотерапия сифатида даволашнинг биринчи оғи охирига келиб нахорги инсулин даражаси ва НОМА-индексининг даводан олдинги кўрсаткичларга

нисбатан ишонарли ( $p < 0,05$ ) пасайганлиги кузатилди. Аммо наҳорги глюкоза миқдорида ишонарли ўзгариш кузатилмади. Метформин дори воситасибилан уч ойлик монотерапиядан сўнг ўтказилган тадқиқот натижалари наҳорги глюкоза ва инсулин миқдорининг ишонарли ( $p < 0,05$ ) пасайишини кўрсатди, бу ўз навбатида беморларнинг даводан олдинги кўрсаткичлари билан таққослаганда НОМА индексининг пасайиши кузатилди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Метформин дори воситаси билан монотерапия, метформин ҳамда джетепар дори воситалари билан комбинацияланган терапия ўтказилганда жигарнинг алкогольсиз ёғ касаллиги беморларида гликемик профил кўрсаткичлари

Биохимик кўрсаткичлар	Соғлом, n=20	Даводан олдин, n=34 n=41	I курс даводан сўнг, n=34 n=41	III курс даводан сўнг, n=34 n=41
Наҳорги глюкоза миқдори, ммоль/л	4,11±0,16	$\frac{6,75 \pm 0,38^*}{6,72 \pm 0,29^*}$	$\frac{5,9 \pm 0,33^*}{5,9 \pm 0,25^*}$ $P > 0,05$ $P > 0,05$	$\frac{4,8 \pm 0,21^*}{4,95 \pm 0,2^*}$ $P < 0,05$ $P < 0,05$
Наҳорги инсулин, мкЕд/мл	11,7±0,24	$\frac{45,8 \pm 1,89^*}{44,4 \pm 1,93^*}$	$\frac{33,9 \pm 1,4^*}{34,3 \pm 1,44^*}$ $P < 0,05$ $P < 0,05$	$\frac{23,1 \pm 0,91^*}{22,7 \pm 0,89^*}$ $P < 0,05$ $P < 0,05$
НОМА индекс	2,14±0,10	$\frac{12,9 \pm 0,5^*}{12,5 \pm 0,4^*}$	$\frac{8,43 \pm 0,31^*}{8,56 \pm 0,25^*}$ $P < 0,05$ $P < 0,05$	$\frac{4,86 \pm 0,23^*}{4,95 \pm 0,20^*}$ $P < 0,05$ $P < 0,05$

Изоҳ: суръатда монотерапия олган беморларнинг кўрсаткичлари; махражда комбинирланган терапия олган беморларнинг кўрсаткичлари; \* - соғлом кишилардан ишонарли фарқнинг мавжудлиги;  $P < 0,05$  – даводан олдинги гуруҳ кўрсаткичларидан ишонарли фарқнинг мавжудлиги.  $P > 0,05$  – даводан олдинги гуруҳ кўрсаткичларидан ишонарли фарқнинг йўқлиги.

20 (59%) нафар беморда УХ ва АК даражасининг сезиларли пасайиши кўринишидаги даволашнинг гипохолестеринемик таъсири аниқланди. Шу билан бирга, даво динамикасида жигар функционал кўрсаткичлари ўртасида бир ойдан кейин ҳам, уч ойлик терапиядан кейин ҳам ишонарли ( $p > 0,05$ ) фарқ кузатилмади. Батафсил таҳлил шуни кўрсатдики, метформин билан монотерапия ўтказаётган беморларнинг 9 (26%) нафариди билирубин даражаси, 18 (53%) нафар беморларда ГГТП даражаси, 31 (91%) нафарда АЛТ ва 25 (77%) нафарда АСТ миқдорлари даводан олдин ҳам баланд кўрсаткичга эга бўлган. Даво давомида ва даводан сўнг бу кўрсаткичлар юқориликгича сақланиб турди.

Джетепар гепатопротектори ҳамда Метформин дори воситаси билан биргаликдаги давосини олган беморларнинг биринчи ой тадқиқот натижалари таҳлили АЛТ, АСТ, ГГТП кўрсаткичларида ижобий таъсир кўрсатди (пасайиш даражаси мос равишда 1,3; 1,4; 1,3 баравар), бироқ бу

кўрсаткичлар соғлом гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишонарли ( $p < 0,05$ ) фарқни сақлаб турди. Нахорги глюкоза миқдорининг статистик жиҳатдан сезиларли пасайиши кузатилмаган бир пайтда, давонинг биринчи ойи охирига келиб инсулин ва НОМА-индекс даражаси мос равишда 1,3 ва 1,5 барабар камайиши қайд этилди. Шунини таъкидлаш керакки, ЮЗЛ ва Апо-А1 даражасининг ўсиши (мос равишда 1,2 ва 1,2 марта) ва ПЗЛ, Апо-В ва АК (1,3; 1,2 ва 2,7 марта) даражасида ишонарли пасайиш ( $p < 0,05$ ) кузатилиши, дори воситаларини биргаликда қўллаш бу тоифадаги беморларда дислипидемия ҳолатининг динамикасига ижобий таъсир кўрсатганидан далолат беради (2-жадвал).

Джетепар гепатопротектори ҳамда метформин дори воситасини биргаликдаги давосини олган беморларнинг учинчи ойи охирига келиб жигарнинг функционал ҳолатини таҳлилимонотерапия олган беморлар кўрсаткичлари билан таққослаганда АЛТ, АСТ, ГГТП, СРО нинг ишонарли ( $p < 0,05$ ) даражада пасайганлигини ва альбумин концентрациясининг ишонарли ( $p < 0,05$ ) даражада ошганлигини кўрсатди. Шу билан бирга, даводан олдинги кўрсаткичлар билан таққослаганда 27 (61%) нафар беморда АЛТ ва 24 (59%) нафарда АСТ нормаллашишига эришилди. Глюкоза, инсулин ва НОМА-индексларининг сезиларли даражада пасайиши негиздабу гуруҳда ўтказилгандаволаш сўнгида 13 (32%) нафар бемордаглюкозамиқдорининг нормаллашиши аниқланди. Шунингдек ушбу препаратларни биргаликда қўлланган давонинг яққол гипохолестеринемик таъсири кузатилиб, атероген фракция бўлган ЮЗЛ, Апо-В, АК нинг ишонарли ( $p < 0,05$ ) пасайиши ва ПЗЛ, Апо-А1 кўрсаткичларининг ишонарлиортиши сифатида намоён бўлди. Бизнинг фикримизча бу ҳолат МСда юрак-қон томир асоратларини олдини олиш нуқтаи назаридан ижобийдир. СРО кўрсаткичининг соғлом одам кўрсаткичларига яқинлашиши монотерапия олган 11 (32%) нафар беморда ва дори воситаларини биргаликда қўллаганда 18 (44%) нафар беморларда кузатилди.

Розувастатин билан монотерапия ўтказилган беморлар гуруҳида гипербилирубинемия 11 (35%) нафар, АЛТ 25 (81%) нафар, АСТ 21 (68%) нафар, ГГТП 18 (58%) нафар беморларда 1,5-2 баробар ортишикузатилди. Розувастатин гуруҳида гипербилирубинемия 13 (36%) нафар беморда, АЛТ 28 (78%), АСТ 21 (58%) ва жигар ичидаги холестази - ГГТП кўрсаткичлари 22 (61%) нафар беморларда кўтарилганлиги аниқланди. Гепатотцеллюляр етишмовчиликнинг асосий кўрсаткичларидан бири - альбумин концентрациясининг пасайиши монотерапия гуруҳидаги 25 (81%) нафар беморда ва комбинирланган даводаги 28 (78%) нафар беморда аниқланди. Мезенхимал яллиғланиш жараёнининг кўрсаткичи - СРО кўрсаткичининг ошганлиги ҳар иккала таққосланган гуруҳнинг барча беморларида кузатилди.

Ушбу гуруҳ барча беморларида дислипидемия ҳолати ЮЗЛ, Апо В нинг ишонарли ( $p < 0,05$ ) кўпайиши ва ПЗЛ, Апо А1 ишонарли ( $p < 0,05$ ) пасайиши билан намоён бўлди. Бу эса ўз навбатида АК ишонарли ( $p < 0,05$ ) кўтарилишга



сабаб бўлди. Гликемик профил кўрсаткичлари глюкоза ва инсулин миқдори соғлом гурухганисбатан ўртача 1,6 ва 4 баравар ошиши кузатилди, бу эса НОМА индексининг ишонарли ( $p < 0,05$ ) кўтарилиши билан намоён бўлди (3-жадвал).

### 3-жадвал

**Розувастатин воситаси билан монотерапия, розувастатин ҳамда джетепар дори воситалари билан биргаликда ўтказилганда жигарнинг алкохолсиз ёғ касаллиги беморларида липид профил кўрсаткичлари**

Биохимик кўрсаткичлар	Соғлом, n=20	Даводан олдин, n=31 n=36	I курса даводан сўнг, n=31 n=36	III курс даводан сўнг, n=31 n=36
Умумий холестерин, ммоль/л	4,4±0,19	<u>7,5±0,42*</u> 7,1±0,41*	<u>6,34±0,36*</u> <sup>P&lt;0,05</sup> 5,31±0,30* <sup>P&lt;0,05</sup>	<u>5,28±0,30</u> <sup>P&lt;0,05</sup> 4,34±0,22 <sup>P&lt;0,05</sup>
Триглицеридлар, ммоль/л	1,42±0,07	<u>2,01±0,12*</u> 2,2±0,12*	<u>1,74±0,10*</u> <sup>P&gt;0,05</sup> 1,85±0,11* <sup>P&lt;0,05</sup>	<u>1,43±0,09</u> <sup>P&lt;0,05</sup> 1,42±0,09 <sup>P&lt;0,05</sup>
ЮЗЛ, ммоль/л	2,2±0,07	<u>1,12±0,06*</u> 1,05±0,06*	<u>1,32±0,07*</u> <sup>P&gt;0,05</sup> 1,26±0,07* <sup>P&lt;0,05</sup>	<u>1,62±0,08*</u> <sup>P&lt;0,05</sup> 1,62±0,08* <sup>P&lt;0,05</sup>
ПЗЛ, ммоль/л	2,6±0,12	<u>3,94±0,20*</u> 3,84±0,20*	<u>2,74±0,15</u> <sup>P&lt;0,05</sup> 2,59±0,13 <sup>P&lt;0,05</sup>	<u>2,42±0,13</u> <sup>P&lt;0,05</sup> 2,05±0,11 <sup>P&lt;0,05</sup>
АК	1,05±0,12	<u>6,7±0,71*</u> 6,8±0,72*	<u>4,14±0,49*</u> <sup>P&lt;0,05</sup> 3,77±0,41* <sup>P&lt;0,05</sup>	<u>2,21±0,29*</u> <sup>P&lt;0,05</sup> 1,93±0,22* <sup>P&lt;0,05</sup>
